

**ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ
ГЕОГРАФИЧЕСКОЕ ОБЩЕСТВО УЗБЕКИСТАНА**

Федорко В.Н., Қурбонов Ш.Б., Назаров М.И.

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИДА
ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ
ГЕОГРАФИЯ**



**ЭКОНОМИЧЕСКАЯ И СОЦИАЛЬНАЯ
ГЕОГРАФИЯ
В НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА**

Тошкент-2019

УЎТ 911 (575)
КБК 26.8г

Федорко В.Н., Курбанов Ш.Б., Назаров М.И. Ўзбекистон Миллий университетида иқтисодий ва ижтимоий география. – Тошкент, 2019. – 32 б.

Рисолада Ўзбекистон Миллий университетида иқтисодий ва ижтимоий география фани соҳасига оид илмий тадқиқотлар ривожланишининг қисқача тарихи кўриб чиқилган. Бунда асосий эътибор ЎЗМУ иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси тарихига, ундаги ташиқлий ўзгаришлар, университетда иқтисодий ва ижтимоий география соҳасидаги етакчи илмий тадқиқот йўналишларининг шаклланиши ва ривожланиши, таниқли иқтисодий географ олимларнинг илмий ижодий фаолиятига қаратилган.

Федорко В.Н., Курбанов Ш.Б., Назаров М.И. Экономическая и социальная география в Национальном университете Узбекистана. – Ташкент, 2019. – 32 с.

В издании рассматривается краткая история развития научных исследований в области экономической и социальной географии в Национальном университете Узбекистана. При этом основное внимание уделено истории кафедры экономической и социальной географии НУУз, её организационным трансформациям, формированию и развитию основных направлений научных исследований в области экономической и социальной географии в университете, творческой деятельности известных экономико-географов.

Fedorco V.N, Kurbanov Sh.B., Nazarov M.I. Economical and social geography in the National university of Uzbekistan – Tashkent, 2019. – 32 p.

The publication discusses a brief history of the development of scientific research in the field of economic and social geography at the National University of Uzbekistan. The main attention is paid to the history of the department of economic and social geography of NUUz, its organizational transformations, the formation and development of the main areas of scientific research in the field of economic and social geography at the university, the creative activities of famous economic geographers.

Масъул муҳаррир:

Ата-Мирзаев О.Б. – *г.ф.д., профессор, Республика “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиши маркази директори ўринбосари*

Такризчилар:

Янчук С.Л. – *г.ф.н., ЎЗМУ иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси доценти*

Ражабов Ф.Т. – *г.ф.ф.д. (PhD), ТВЧДПИ табиий фанлар кафедраси доценти*

Рисола Ўзбекистон География жамияти Илмий Кенгашининг қарори билан наишрга тавсия этилган (11.02.2019 йил, 2-сонли баённома)

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯ

Кириш

2018-йилда Ўзбекистоннинг энг кекса олий ўқув юрти – Ўзбекистон Миллий университетининг ташкил топганига 100 йил тўлди. Ўтган йиллар мобайнида мазкур университет кўпчилик фан соҳалари бўйича йирик тадқиқотлар марказига айланди. Миллий университетда кўплаб фан соҳалари, шу жумладан географиянинг турли йўналишлари бўйича йирик илмий мактаблар вужудга келди. Бу борада иқтисодий ва ижтимоий география алоҳида ажралиб туради.

Таъкидлаш жоизки, университетнинг биринчи ректори бўлган профессор Г.Н.Черданцев (1956-йилдан Ўзбекистон Фанлар академияси академиги) мутахассислиги бўйича иқтисодчи бўла туриб, университетда ва бутун республикада иқтисодий географик тадқиқотларнинг вужудга келиши ва ривожланишида бевосита иштирок этди. Бинобарин, 1922-йилдаёқ ушбу олим томонидан “Ўрта Осиё иқтисодий райони” деб номланган, мазмунига кўра асосан иқтисодий географик асар бўлган илмий иш чоп этилган эди. Кейинчалик, ЎзМУда бир неча авлод иқтисодий географлари илмий-педагогик фаолият олиб боришди. Эришилган бой илмий-амалий тажриба асосида ҳозирги кунда университетда иқтисодий ва ижтимоий география жадал ривожланиб бормокда.

Мазкур тадқиқотнинг бош мақсади шундан иборатки, ЎзМУнинг бутун фаолияти давомида иқтисодий ва ижтимоий география соҳасида тадқиқотларнинг тарихий ва тадрижий ривожланиши ва узлуксизлигини ўрганишдан иборатдир.

Бунда қуйидаги вазифалар белгилаб олинган: 1) ЎзМУда иқтисодий ва ижтимоий география шаклланиши ва ривожланишининг ташкилий ҳамда институционал жиҳатларини, аввало иқтисодий ва ижтимоий география кафедрасининг тарихини ўрганиш; 2) Университет ривожланишининг турли босқичларида ижтимоий географик тадқиқотларнинг асосий йўналишларини ажратиш ва тавсифлаш; 3) Университетнинг йирик олимларини ватанимиз иқтисодий ва ижтимоий географиясини ривожланишига қўшган хиссасини кўрсатиш.

Ўзбекистон Миллий университетида иқтисодий ва ижтимоий география ривожланишининг ташкилий ва институционал жиҳатлари

ЎЗМУда иқтисодий ва ижтимоий географиянинг вужудга келиши университетнинг илк даврига бориб тақалади. 1920-йилларнинг бошлариданоқ университетнинг географ ва иқтисодчилари Ўзбекистон ва бутун Ўрта Осиё иқтисодий географиясининг долзарб муаммоларига бағишланган кенг қамровли тадқиқотларни йўлга қўйишган эди. Ушбу тадқиқотлар иқтисодий районлаштириш назарияси ва амалиёти, минтақа ишлаб чиқариш кучларини, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигини жойлаштириш ва ривожлантириш истиқболларини илмий асослаш билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Бу даврда бажарилган ишлар, авваламбор, **Г.Н.Черданцев** номи билан боғлиқдир. У 1936-йили Ўзбекистон ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришга бағишланган илмий тадқиқотлари асосида диссертация ҳимоя қилмасдан туриб, иқтисод фанлари доктори илмий даражасига сазовор бўлди. Шунингдек, республикада иқтисодий географик тадқиқотларнинг ривожланишига профессорлар В.М.Четыркин, Н.Н.Кожанов, Н.К.Ярошевич, Ю.И.Пославскийлар (таниқли геоморфолог олим, профессор О.Ю.Пославскаянинг отаси) ҳам ўзларининг катта хиссаларини қўшдилар.

ЎЗМУда иқтисодий ва ижтимоий географиянинг ривожланишида география фанлари доктори, профессор **В.М.Четыркин** алоҳида ўрин тутади. У 1920-йилларда республика Давлат режа қўмитаси раёсатида ишлаган пайтда, 1926-йили “Ўзбекистон. Халқ хўжалиги ҳолати ва уни ривожланиши” номли йирик монографик асар чоп эттирди. Мазкур асар ўша давр республика иқтисодий географиясига доир қимматли ва долзарб маълумотларни ўзида мужассам қилган. В.М.Четыркин турли йилларда собиқ Иттифокнинг турли шаҳарларида ишлади, аммо 1940-1948-йилларда Ўзбекистонга қайтиб келиб, Ўрта Осиё давлат университетида (САГУ) астойдил меҳнат қилди.

Ўрта Осиё давлат университетида 1935-йили геология-тупроқшунослик-география факультети ташкил этилди. Унинг таркибида, аввало табиий ва иқтисодий географларни бирлаштирган география кафедраси иш бошлади. Уни дастлабки йилларда М.И.Силицинский, В.П.Андреев, 1937-йилдан бошлаб эса регионал табиий география ва гляциология фанининг йирик вакили Н.Л.Корженевский бошқарди.

1940-йили Тошкентга қайтиб келган В.М.Четыркиннинг ташаббуси билан САГУнинг география кафедраси асосида табиий ҳамда иқтисодий география кафедралари ташкил қилинди. Иқтисодий география кафедрасининг биринчи мудирини қилиб доцент В.Г.Кузнецов тайинланди. Мазкур кафедрада унинг илк кунларидан бошлаб, Р.С.Лобач ва А.Б.Иткинлар фаолият кўрсатдилар.

1941-йили Тошкентга собиқ Иттифокнинг Европа қисмида босиб олинган худудларидан эвакуация қилинган ўқитувчи ва илмий ходимларнинг катта гуруҳи етиб келади. Бу даврда иқтисодий география кафедрасининг таркибига профессорлар М.Г.Кадек (1941-1944-йилларда кафедрага мудирлик қилган), С.Д.Муравейский, доцентлар А.Н.Ракитников, М.Г.Рейсер, А.А. Коноваловлар келиб қўшилди. Айнан мана шу қисқа ва муҳим бўлган даврда университетда иқтисодий географиянинг ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор яратилди. 1943-йили иқтисодий география йўналиши бўйича илк бор аспирантура очилди, аспирантлар учун мунтазам илмий-методик семинарлар олиб борилди, бунда В.М.Четыркин мураббийлик қилди. Бинобарин, 1944-йили В.М.Четыркин томонидан “Турон географияси” номли докторлик диссертация иши ҳимоя қилинди. Мазкур тадқиқот Ўрта Осиёни табиий географик ва табиий-қишлоқ хўжалиги районлаштириш назарияси ва амалиётини ривожлантиришда ўзига хос босқич бўлиб хизмат қилди.

1944-йили эвакуация қилинган профессорлар ва доцентлар, шу жумладан профессор Г.Н.Черданцевнинг Тошкентдан кетганларидан сўнг кафедрага профессор В.М.Четыркин мудир қилиб тайинланди. Шунингдек, у 1945-йилдан бошлаб янги ташкил этилган мустақил география факультети декани вазифасини бажарди. Профессор В.М.Четыркин 1948-йили Ленинград шаҳрига қайтгунга қадар география факультети декани ҳамда иқтисодий география кафедрасининг мудирини лавозимларида меҳнат қилди.

Ўрта Осиё давлат университетининг иқтисодий география кафедрасини 1949-1954-йилларда география фанлари номзоди, доцент **Р.С.Лобач** бошқарди. Айтиш жоизки, бу олима шу кафедрада ташкил этилганидан бошлаб ишлаган. Р.С.Лобач 1949-йили география фанлари доктори, профессор В.М.Четыркиннинг илмий раҳбарлигида Устюрт платосини хўжалик жиҳатдан ўзлаштиришнинг омиллари ва истикболларига бағишланган номзодлик диссертация ишини ҳимоя қилди.

Бу йилларда кафедра аъзолари Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан 1950-1953-йилларда ташкил этилган Фарғона водийси ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш бўйича комплекс экспедиция ишида

қатнашдилар. Кейинги йилларда география фанлари номзоди, доцент Р.С.Лобач Ўзбекистоннинг турли минтақалари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш муаммолари устида кўп ишлади. У 1962-йилда Р.А.Ходиев томонидан муваффақиятли ҳимоя қилинган номзодлик диссертация ишига раҳбарлик қилди.

1954-1959-йилларда иқтисодий география кафедрасини география фанлари номзоди, доцент **Н.Г.Цапенко** бошқарди. У кўпроқ саноат географияси, Ўрта Осиё ва Ўзбекистонни иқтисодий районлаштириш масалалари билан шуғулланди. Доцент Н.Г.Цапенко кўп йиллар мобайнида университетнинг шарқшунослик факультетида “Афғонистон географияси”, “Эрон географияси”, “Ҳиндистон географияси” каби ўқув курсларидан дарс бериб келди. Олимнинг кафедра мудирлиги даврида университетнинг иқтисодий географлари Қашқадарё вилояти табиати ва хўжалигини ўрганиш бўйича комплекс экспедиция ишида иштирок этдилар. 1954-йилда доцент Н.Г.Цапенко география фанлари номзоди Н.В.Смирнов билан биргаликда илк бор Ўзбекистон иқтисодий географияси дарслигини чоп эттирдилар.

1960-йилда иқтисодий география кафедраси мудирлиги бўлиб турган Н.Г.Цапенко ўрнига география фанлари номзоди, доцент **Н.В.Смирнов** кафедранинг бошқарди. У 1950-йилларда Ўзбекистон иқтисодий географиясида янги йўналиш – шаҳарлар географиясини бошлаб берди.

Кафедра аъзолари 1960-йилларда Самарқанд ва Бухоро вилоятлари (Зарафшон экспедицияси), Сурхондарё вилояти, Қарши дашти, Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларига уюштирилган комплекс минтақавий экспедицияларда фаол иштирок этишни давом эттирдилар. Бу даврда кафедранинг илмий-тадқиқот йўналишлари янада кенгайди, жумладан агрогеографик ва геоурбанистик йўналишлар шаклланди. Шунингдек, кафедранинг кадрлар салоҳияти мустаҳкамланди, унга ёш фан номзодлари Т.И.Раимов, С.Саидкаримов, О.Б.Ата-Мирзаевларнинг келиб қўшилиши билан кучайди. Доцент Н.В.Смирнов кафедранинг 1969 йилга қадар бошқарди.

1970-йил 1 январдан бошлаб, иқтисодий география кафедрасига йирик олим ва фан ташкилотчиси, қишлоқ хўжалик географияси бўйича йирик мутахассис – профессор **З.М.Акрамов** мудир этиб тайинланди. З.М.Акрамов кўп йиллар давомида кафедра билан бир қаторда Ўзбекистон Фанлар академияси География бўлимини бошқарди.

1970-йилларда ТошДУда иқтисодий географик тадқиқотлар асосан икки йўналишда, яъни қишлоқ хўжалик географияси ҳамда аҳоли ва шаҳарлар географияси йўналишларида ривожланди. Биринчи, яъни қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича илмий-тадқиқот ишларини З.М.Акрамовнинг

ўзи бошқарган бўлса, 1970-йиллардаги геоурбанистик тадқиқотларнинг ташкилотчиси, 1971-1977-йилларда ТошДУнинг география факультетини бошқарган доцент **Т.И.Раимов** бўлиб ҳисобланади.

1972-йили Ўзбекистон демография фанининг асосчиси, иқтисод фанлари доктори, профессор **М.Қ.Қорахонов** ташаббуси билан ТошДУ қошида Ўрта Осиёда ягона бўлган аҳолишунослик илмий-тадқиқот лабораториясига асос солинди. Мазкур лабораторияни 1976-йилдан 1987-йилгача география фанлари номзоди, доцент **О.Б.Ата-Мирзаев** (1992-йилдан – география фанлари доктори, профессор) бошқарди. Ўзбекистонда демографик тадқиқотларни вужудга келиши ва ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлган ушбу лабораторияда турли йилларда М.Бўриева (1987-1998-йилларда мудир), З.Х.Райимжонов, Б.Я.Гольдфарб, С.Н.Кононенко, О.Саидахмедов, О. Эргашев ва бошқалар меҳнат қилишган.

1984-йилда иқтисодий география кафедрасига география фанлари номзоди, доцент **А.С.Солиев** мудир этиб тайинланган. У бундан икки йил ўтиб, 1986-йилда Москва шаҳрида СССР Фанлар Академияси География институтида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди, 1988-йилда эса профессор илмий унвонига эга бўлди. Айтиш жоизки, кафедранинг узок йиллик тарихи профессор А.С.Солиевнинг номи ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқ, бинобарин у кафедрани 1984-йилдан 2010-йилгача, яъни 26 йил бошқарди. Бу даврда аҳоли ва шаҳарлар географияси кафедранинг асосий илмий тадқиқот йўналишига айланган бўлса, аксинча агрогеографик йўналиш ўз мавқеини йўқота бошлади. Кафедрада секин-аста турли мавзу ва объектга эга социал географик тадқиқотларнинг вужудга келишига шароит яратилди. Жумладан, улар қаторига социал экология (Ҳ.Т.Турсунов), хизмат кўрсатиш соҳалари географияси (М.И.Назаров), фан ва илмий тадқиқотлар географияси (Х.М.Назарова), тиббиёт географиясини (Н.Қ.Комилова) киритиш мумкин.

Иқтисодий география кафедраси негизида 1987-йилда мустақил социал география ва аҳолишунослик кафедраси ташкил этилди. Кафедрага **О.Б.Ата-Мирзаев** мудир этиб тайинланди. У кафедрани 1998-йилгача бўлган бутун фаолияти даврида бошқарди. Бу даврда кафедрада география фанлари номзодлари, доцентлар С.С.Саидкаримов, З.Х.Райимжонов, А.А.Қаюмовлар меҳнат қилишди. **А.А.Қаюмов** 1994-йилда ўзининг “Ўзбекистон меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва ривожланишининг социал-географик асослари” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Социал география ва аҳолишунослик кафедрасининг илмий тадқиқотлари геодемография, геоурбанистика, социал география

йўналишларида ривожланди. Кафедра фаолияти 1998-йилга келиб тугатилди ва иқтисодий география кафедрасига қўшилиб кетди.

1998-йилда профессор А.С.Солиев ташаббуси билан иқтисодий география кафедраси негизида Марказий Осиё мамлакатларида илк бор “Минтақавий иқтисодиёт” бакалавриат йўналиши очилди ва у 2004-йилгача фаолият кўрсатди. 1998-йилда иқтисодий география кафедрасининг номи, унга социал география ва аҳолишунослик кафедрасининг қўшилиши ҳамда янги ўқув йўналишининг очилиши билан ижтимоий география ва минтақавий иқтисодиёт деб қайта номланди.

Ижтимоий география ва минтақавий иқтисодиёт кафедрасини профессор А.С.Солиевдан кейин география фанлари номзоди, доцент **М.И.Назаров** бошқарди. 2010-йилда демография кафедрасининг (2000-йилда ташкил этилган бу кафедрани турли йилларда доцентлар М.Р.Бўриева, З.Н.Тожиева, С.С.Зокировлар бошқаришди) ёпилиши ва уни ижтимоий география ва минтақавий иқтисодиёт кафедрасига қўшилиши билан кафедранинг номи ижтимоий география, минтақавий иқтисодиёт ва демография деб ўзгартирилди. 2013-йилда эса кафедра ижтимоий география ва демография деб қайта номланди.

2014-йилда Ўзбекистон Миллий университетида амалга оширилган таркибий ўзгаришлар натижасида ижтимоий география ва демография кафедраси табиий география кафедраси билан бирлаштирилиб, ягона география кафедрасига айлантирилди. География кафедрасининг мудирини қилиб, доцент М.И.Назаров тайинланди. 2016-йилдан бошлаб, кафедрани география фанлари доктори **Н.Қ.Комилова** бошқарди (у 2012-йилда ўзининг Ўзбекистон аҳолиси саломатлиги ва касалланишининг худудий жиҳатларига бағишланган докторлик диссертациясини ҳимоя қилди).

2018-йилда География ва табиий ресурслар факультети География кафедраси таркибидан табиий география ҳамда иқтисодий ва ижтимоий география кафедралари қайта ташкил этилди. Иқтисодий ва ижтимоий география кафедрасини ҳозирда география фанлари доктори, профессор Н.Қ.Комилова бошқармоқда.

Ҳозирги даврда ЎзМУда иқтисодий ва ижтимоий география бўйича тадқиқотлар География ва табиий ресурслар факультети иқтисодий ва ижтимоий география кафедрасида ҳамда Иқтисодиёт факультети минтақавий иқтисодиёт кафедрасида (бу ерда география фанлари доктори, профессор А.А.Қаюмов, география фанлари номзоди, доцент А.А.Холмирзаев фаолият кўрсатишмоқда) олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Миллий университетида иқтисодий ва ижтимоий география фанининг асосий тадқиқот йўналишлари ва етакчи олимлари

Университетда олиб борилган дастлабки иқтисодий географик тадқиқотларнинг асосий йўналиши **ишлаб чиқариш кучларини комплекс минтақавий тадқиқ қилиш** билан боғлиқ бўлган. Айтиш жоизки, 1940-1970-йилларда университетнинг иқтисодий географлари томонидан республика ҳудудларининг хўжалик хусусиятларини тизимли ўрганиш ишлари, одатда, мақсадли ташкил этилган экспедициялар доирасида амалга оширилган бўлиб, унда иқтисодий географ ва иқтисодчилар билан биргаликда табиий географлар, биологлар, геологлар, гидрогеологлар, тупроқшунослар ва бошқа мутахассислар иштирок этишарди.

Университет томонидан ташкил этилган бундай экспедициялардан биринчиси республика Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг махсус буюртмасига биноан Устюрт платосида олиб борилган эди. Мазкур экспедиция 1944-1946-йилларда амалга оширилиб, унинг мақсади ўрганилган ҳудуднинг яйлов ресурс имкониятларини тадқиқ қилишга қаратилган эди. Ўрта Осиё давлат университети 1944-1946-йилларда Устюрт экспедицияси натижалари бўйича академик Е.П.Коровин муҳаррирлигида “Усть-Урт (Каракалпакский), его природа и хозяйство” (“Қорақалпоқ Устюрти, унинг табиати ва хўжалиги”) номли монографияси нашр этилди. 1949-йилда университет иқтисодий география кафедрасининг биринчи ходимларидан бўлган Р.С.Лобач томонидан “Усть-Урт” деб номланган китоб чоп этирилди. Ушбу китоб география фанлари номзоди илмий даражасига тақдим этилган диссертация сифатида қабул қилиниб, муаллифи тегишли илмий даражага эга бўлди.

1950-йилда иқтисодий география кафедрасини 1960-1969-йилларда бошқарган, универсиет тарихидаги йирик иқтисодий географлардан бири бўлган Н.В.Смирнов томонидан “Қашқадарё вилояти. Иқтисодий географик тавсиф” мавзусидаги комплекс минтақавий мазмунга эга бўлган номзодлик диссертация иши ҳимоя қилинди.

1953-йилда Москва давлат университетида профессор Ю.Г.Саушкин илмий раҳбарлигида З.М.Акрамов томонидан умумиқтисодий характерга эга бўлган “Наманган вилояти (иқтисодий-географик тавсиф)” мавзусида номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Ушбу диссертация асосида 1955-йилда “Фан” нашриётида олимнинг “Наманган вилояти” илмий монографияси чоп этилди.

Кейинчалик мазкур йўналишдаги йирик илмий тадқиқот иши доцент Н.Г.Цапенко илмий раҳбарлигида Т.Т.Таджимов томонидан “Қорақалпоғистон АССР (иқтисодий географик тавсиф)” мавзусида бажарилди ва 1963-йилда география фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация иши сифатида ҳимояга тақдим этилди. Ёш олим Т.Таджимов университетнинг иқтисодий география кафедрасида 1954-1966 йилларда ишлаган эди.

Ўзининг илмий ва амалий аҳамиятига кўра, Фарғона водийсининг табиати ва хўжалигини комплекс ўрганишга бағишланган тадқиқот ўз даврида бутун Иттифоқ миқёсида шухрат қозонган эди. Мазкур тадқиқот 1950-1953-йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш Кенгаши ҳамда ЎОДУнинг ўзаро ҳамкорлигида бажарилди. Унинг натижалари икки жилдлик асар кўринишида чоп этилди. Биринчи жилди минтақанинг табиий шароити ва ресурслари ҳамда хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган бўлса, иккинчи жилди эса асосий тармоқларнинг замонавий ҳолати (ўша вақт учун) ва ривожлантириш истиқболларига бағишланган эди. Шу билан бирга, минтақанинг 53 та мавзули хариталаридан иборат Фарғона водийси географик хариталар альбоми алоҳида жилд тариқасида чоп этилди. Ушбу учта китоб 1954-йилда нашр қилинди.

Фарғона минтақасини ўрганишнинг асосий илмий-назарий натижаси бўлиб, районлар комплекс муаммолари концепциясининг яратилиши ҳисобланади. Фарғона экспедицияси натижалари Москва шаҳрида, даставвал 1952-йилда, сўнгра 1953-йилда эшитилди. 1954-йилда эса бу борада махсус конференция ташкил этилди ва унда кўпчилик иқтисодий географ ва иқтисодчилар томонидан районлар комплекс муаммолари концепцияси эътироф этилди ва қўллаб қувватланди.

1954-1959-йилларда Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш бўйича Кенгаш томонидан Ўрта Осиё (Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, В.Л.Шульц ва б.) ва Москва давлат университетлари (Т.В.Звонкова, Н.А.Гвоздецкий) географлари иштирокида Жануби-ғарбий Ўзбекистоннинг табиатини комплекс ўрганиш бўйича экспедиция ташкил этилди. Экспедициянинг бош мақсади республиканинг ушбу йирик минтақаси (Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари) табиий шароити ва ресурсларини айрим компонентлари кесимида, аввало қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нуктаи назаридан баҳолаш учун комплекс ўрганишдан иборат бўлган. Бунда ҳудуднинг геологик ва геоморфологик, агроиқлимий, гидрологик, тупроқ ва бошқа хусусиятлари атрофлича ўрганилди, қишлоқ хўжалик мақсадларида

табий географик районлаштириш амалга оширилди. Ушбу тадқиқотларнинг натижалари бўйича тайёрланган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг табиати, аҳолиси ва хўжалигига бағишланган “ЎОДУ илмий асарлари”нинг алоҳида икки жилдлик китоблари нашрдан чиқарилган эди. Бу нашрларнинг иккинчи китоблари тегишли вилоятларнинг аҳолиси, меҳнат ресурслари ва хўжалигига бағишланган эди.

1962-йилда Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш Кенгашининг иқтисодий география бўлими ТошДУнинг (1961-йилда Ўрта Осиё давлат университети Тошкент давлат университети деб қайта номланди) география факультети таркибига илмий-тадқиқот бўлими мақомида киритилди. Унинг ходимлари ўша даврда биолог ва геолог олимлар билан биргаликда Тошкент шаҳрининг монографик тадқиқотини амалга оширдилар. Унинг натижалари 1964-йилда “ТошДУ асарлари”нинг алоҳида жилдида чоп этилди.

Бу йилларда республикада бажарилган комплекс минтақавий тадқиқотлар география фанининг бош илмий концепцияси – районлаштиришни ривожлантиришга хизмат қилди. Таъкидлаш жоизки, республикада районлаштириш тадқиқотлари бир неча босқичларни босиб ўтди: аввало республикамизнинг агроиклимий, геоботаник, тупроқлар районлаштирилиши амалга оширилган бўлса, кейинчалик бу ишлар негизида комплекс табий географик районлаштириш схемалари яратилди. Муҳими шундаки, табий географик районлаштириш схемалари, одатда, ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва ривожлантириш мақсадларида бажарилган бўлиб, баҳолаш характериға эға бўлган эди. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонда иқтисодий (иқтисодий географик) районлаштиришнинг ривожланишиға олиб келган.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда турли йилларда иқтисодий районлаштириш билан университетнинг В.М.Четиркин, Н.Г.Цапенко, З.М.Акрамов, А.С.Солиев ва бошқа иқтисодий географ олимлари шуғулланишган.

Университет профессор-ўқитувчи ва илмий ходимлари томонидан ўтган даврларда амалга оширилган комплекс иқтисодий географик тадқиқотлар ҳақида гапирилганда, уларнинг мажмуали мазмунға эға бўлганлигини, аниқ мақсадға йўналтирилганлигини, турли соҳа вакилларининг ижодий ҳамкорлигида амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, ушбу йиллардаги иқтисодий географик тадқиқотлар бевосита дала экспедицияларининг махсус дастурларидан келиб чиқиб бажарилган эди.

Ўзбекистон Миллий университетида **қишлоқ хўжалиги географияси**нинг шаклланиши ва ривожланиши минтақавий комплекс иқтисодий географик тадқиқотлар билан чамбарчас боғлиқдир. Университетда иқтисодий географлар орасида агрогеографик тадқиқотларнинг мустақил йўналиш сифатида шаклланиши, энг аввало, география фанлари доктори, профессор З.М.Акрамов илмий фаолияти билан боғлиқ. Самарқанд ва Бухоро вилоятларининг табиий шароити ва ресурслари, қишлоқ хўжалиги ва аҳоли жойлашувини ўрганган Зарафшон экспедициясининг раҳбарларидан бири сифатида З.М.Акрамов 1961-йилда, тўпланган дала маълумотлари асосида “Самарқанд ва Бухоро вилоятлари қишлоқ хўжалиги” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Натижада З.М.Акрамов Ўзбекистонда иқтисодий география йўналишида биринчи фан доктори ҳамда маҳаллий миллат вакилларидан дастлабки география фанлари доктори бўлди. Олим томонидан 1961-1962-йилларда А.Н.Ракитников, О.К.Замков ва А.М.Шермухаммедовлар билан ҳаммуаллифликда “Самарқанд ва Бухоро вилоятлари қишлоқ хўжалиги географияси” номли икки жилдли монография чоп этилди. Кейинчалик, З.М.Акрамов ЎзФА География бўлими ҳамда ТошДУнинг иқтисодий география кафедрасини бошқариш билан бирга, энг аввало қишлоқ хўжалиги йўналишида география ҳамда иқтисод фанлари номзодлари ва докторларини тайёрлашга катта эътибор қаратди. Унинг томонидан нафақат Ўзбекистон, балки қўшни республикалар учун 30 тага яқин юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрланди.

Университетда, иқтисодий география кафедрасида агрогеографик тадқиқотларнинг энг гуллаган даври 1960-1970 йилларга тўғри келган эди. Бу даврда Р.А.Ходиев (“Қашқадарё вилояти шимоли-шарқий гуруҳ туманлари қишлоқ хўжалиги”, 1962-й.), С.Саидкаримов (“Зарафшон дарёси ўнг қирғок лалми ерларини хўжалик жиҳатдан ривожлантириш муаммолари”, 1964-й.), Т.Э.Эгамбердиевлар (“Келес водийси қишлоқ хўжалиги ва уни ривожлантириш муаммолари”, 1972-й.) номзодлик диссертацияларини тайёрладилар ва ҳимоя қилдилар. Университетда қишлоқ хўжалиги географияси йўналиши бўйича тайёрланган ва ҳимоя қилинган охириги номзодлик диссертация иши профессор З.М.Акрамов илмий раҳбарлигида А.А.Халмирзаев томонидан ҳимоя қилинди. Мазкур иш Фарғона водийси чорвачилигини суғорма деҳқончилик билан уйғунликда ривожлантириш муаммоларига бағишланган.

Кейинчалик ТошДУнинг иқтисодий география кафедрасида қишлоқ хўжалиги географияси ўз устувор ўрнини **шаҳарлар ва аҳоли географияси**

соҳасидаги тадқиқотларга бўшатиб берди. Ушбу географик тадқиқотлар юқорида тавсифланган 1950-йиллардаги Фарғона водийсида бажарилган минтақавий комплекс тадқиқотларига бориб тақалади. Доцент Н.В.Смирнов 1957-йилда “Города Ферганской долины” (“Фарғона водийси шаҳарлари”) номли монография чоп этилиб, бу китоб иқтисодий география кафедрасида аҳоли ва шаҳарлар географияси бўйича бажарилган биринчи йирик иш ҳисобланади. 1960-йилларда доцент Н.В.Смирнов томонидан “ТошДУ илмий асарлари”да Ўзбекистоннинг табиий шароитини шаҳарсозлик нуқтаи назаридан баҳолашга бағишланган кенг қамровли илмий иши эълон қилинди. Бу борада кейинчалик табиий географ олимлар ҳам фаол ишлаган, хусусан, А.А.Сағатов 1993-йилда география фанлари доктори, профессор Н.А.Когай илмий раҳбарлигида “Ўзбекистоннинг табиий шароитини шаҳарсозлик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ва районлаштириш” мавзусида номзодлик диссертация ишини ҳимоя қилган эди.

Университетда ўз вақтида шаҳарлар ва аҳоли географияси йўналишидаги иқтисодий географик тадқиқотларни Т.И.Раимов янада ривожлантирди. У 1964-йилда Москва давлат университетида профессор Ю.Г.Саушкин илмий раҳбарлигида “Иттифоқдош республика пойтахтини комплекс иқтисодий географик тадқиқ қилиш (Тошкент шаҳри мисолида)” мавзусидаги диссертация ишини ҳимоя қилди. Ушбу иш бир вақтнинг ўзида география фанлари бўйича номзодлик ва докторлик илмий даражаларини олиш учун тақдим этилган эди. Шунда илмий кенгаш аъзолари Т.И.Раимовга география фанлари номзоди илмий даражасини бериш учун овоз беришди, фан доктори илмий даражасини бериш учун эса атиги учта овоз етишмади.

Доцент Т.И.Раимов ТошДУ география факультетида 15 йил (1964-1979-йй.), шу жумладан 6 йил (1971-1977-йй.) декан бўлиб ишлади. Кейинчалик, у “ТошБошлойиха ЛИТИ” институтига ишга ўтди. Т.И.Раимов ўзининг бир неча ўн йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида геоурбанистика йўналиши бўйича 10 та география фанлари номзодини тайёрлади.

1967-йилда О.Б.Ата-Мирзаев Ленинград молия-иқтисод институтида “Фарғона водийси шаҳар аҳоли пунктларининг жойлашуви” мавзусидаги номзодлик диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя қилганидан сўнг, ТошДУнинг иқтисодий география кафедрасига ишга келди. Кейинчалик, у кўп йиллар мобайнида аҳолишунослик илмий-тадқиқот лабораториясини ҳамда социал география ва аҳолишунослик (1987-1998-йй.) кафедрасини бошқарди. 1992-йилда О.Б.Ата-Мирзаев Санкт-Петербург давлат университетида “Шаҳар аҳолиси жойлашувини геодемографик тадқиқ этиш

ва урбанизацияни миллий-худудий даражада бошқариш (Ўзбекистон Республикаси мисолида)” мавзусидаги докторлик диссертация ишини ҳимоя қилди. Бир неча ўн йилликлар мобайнида О.Б.Ата-Мирзаев республикамизда геодемография, шаҳарлар географияси, демографик сиёсат, социология бўйича йирик мутахассислардан бири саналади. 1998-йилдан ҳозирга қадар О.Б.Ата-Мирзаев “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Кўп йиллардан буён ТошДУнинг иқтисодий география кафедрасида аҳоли ва шаҳарлар географиясининг ривожланиши география фанлари доктори, профессор А.С.Солиев ва унинг шогирдлари фаолияти билан боғлиқ. 1973-йилда А.С.Солиев доцент Т.И.Раимовнинг илмий раҳбарлигида “Тожикистон ССР шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланиши” мавзусида номзодлик, 1986-йилда эса “Ўрта Осиё республикаларида аҳоли жойлашувининг омиллари ва тенденциялари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

А.С.Солиев 1970-йилларда Ўрта Осиё республикаларида урбанизация муаммоларига оид тадқиқотларни Т.И.Раимов ва О.Б.Ата-Мирзаевлар билан ҳамкорликда олиб борди. Улар “ТошДУ илмий асарлари”да, иттифоқдош республикалар ва Шарқий Европа мамлакатларининг илмий нашрларида мунтазам равишда эълон қилинган мақолалари орқали собиқ Иттифоқнинг иқтисодий географлари орасида “Ўрта Осиёлик ажойиб учлик” (“великолепная среднеазиатская тройка”) сифатида шуҳрат қозонган эди.

А.С.Солиев кафедрада мудирлик қилган даврида ва ундан кейинги йилларда юқори малакали илмий-педагог кадрлар – фан номзодлари ҳамда фан докторларини тайёрлашга биринчи даражали эътибор қаратди. Жами проф. А.С.Солиев илмий раҳбарлигида 45 та номзодлик ва докторлик диссертациялари тайёрланиб, муваффақиятли ҳимоя қилинди. Жумладан, олимнинг илмий раҳбарлигида З.Н.Тожиева, С.Қ.Таштаева, М.М.Эгамбердиевалар ўзларининг аҳоли жойлашуви ва геоурбанистика муаммоларига оид диссертация ишларини тайёрладилар ва ҳимоя қилдилар. Улар кўп йиллардан буён ЎзМУнинг иқтисодий ва ижтимоий география кафедрасида ишлаб келмоқдалар.

ЎзМУда иқтисодий ва ижтимоий географиянинг аҳоли ва шаҳарлар географияси йўналишининг йирик вакилларида яна бири бу – география фанлари доктори, профессор А.А.Қаюмовдир.

А.А.Қаюмов 1979-йилда М.Қ.Қорахоновнинг илмий раҳбарлигида Иркутск шаҳрида Сибир ва Узоқ Шарқ география институтида “Қирғизистон

шаҳар аҳоли пунктларининг геодемографик ривожланиши муаммолари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Узоқ йиллар мобайнида меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоларининг ижтимоий-иқтисодий географик жиҳатлари устида иш олиб борган А.А.Қаюмов 1994-йилда “Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва ривожланишининг социал-географик асослари” мавзусида докторлик диссертация ишини ҳимоя қилди. Профессор О.Б.Ата-Мирзаев ушбу диссертация ишининг илмий маслаҳатчиси бўлди. 2002-2011-йилларда А.А.Қаюмов ЎзМУ минтақавий иқтисодиёт кафедрасига мудирлик қилди. Проф. А.А.Қаюмовнинг илмий раҳбарлигида 10 га яқин номзодлик ва PhD-диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинди.

Ўзбекистон Миллий университетида узоқ йиллар ишлаган шаҳарсозлик йўналишига мансуб яна бир иқтисодий географлардан бири – бу география фанлари номзоди, доцент З.Х.Райимжоновдир. У 1970-1990-йилларда Ўрта Осиёнинг ресурс шаҳарларига доир жуда қизиқарли, оригинал ва мураккаб мавзу устида иш олиб борди ҳамда 1992-йилда Т.И.Раимов ва О.Б.Ата-Мирзаевлар илмий раҳбарлигида ўзининг номзодлик диссертация ишини ҳимоя қилди.

Ҳозирги кунда иқтисодий ва ижтимоий география кафедрасида аҳоли ва шаҳарлар географияси бўйича тадқиқотлар З.Н.Тожиева (Ўзбекистонда замонавий демографик жараёнларнинг ҳудудий жиҳатлари), С.Қ.Таштаева (шаҳар агломерацияси ва бошқа шаҳар аҳоли тизимларини ривожланиши муаммолари), М.М.Эгамбердиевалар (янги иқтисодий шароитда ўрта ва кичик шаҳарларнинг ривожланиш муаммолари) томонидан олиб борилмоқда.

1990-йилларнинг бошларига келиб, А.С.Солиевнинг ташаббуси билан ЎзМУда иқтисодий ва ижтимоий география замирида алоҳида йўналиш сифатида **социал географик тадқиқотлар** йўлга қўйилди. Ушбу йўналишнинг кўзга кўринган вакиллари сифатида география фанлари доктори, профессор Н.Қ.Комилова (тиббиёт географияси), география фанлари номзоди, доцент М.И.Назаров (хизмат кўрсатиш соҳалари географияси, соғлиқни сақлаш географияси) ва география фанлари номзоди, доцент Х.М.Назаровалар (фан ва таълим географияси) ҳисобланади.

Социал география университетда олиб борилаётган ижтимоий-географик тадқиқотларнинг истикболли йўналишларидан бири ҳисобланади. У аҳолининг турмуш шароити, даражаси ва сифати билан боғлиқ долзарб муаммоларни тадқиқ қилади, уларни такомиллаштириш эса республикани ривожлантиришнинг устувор стратегик мақсадларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси доценти в.б. Ш.Б.Курбоновнинг илмий ишларини ҳам социал географик тадқиқотларга яқин деб, ҳисоблаш мумкин. Бинобарин, унинг томонидан республика қишлоқ туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари ўрганилиб келмоқда. 2017-йилда Ш.Курбонов профессор А.С.Солиевнинг илмий раҳбарлигида “Ўзбекистон қишлоқ туманлари ривожланишининг иқтисодий географик хусусиятлари” мавзусида география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг илмий йўналишлари ичида география фанлари номзоди С.Л.Янчук томонидан бажарилиб келинаётган илмий тадқиқотлар алоҳида ўрин тутди. У 2002-йилда профессор А.С.Солиевнинг илмий раҳбарлигида “Ўзбекистон иқтисодиётида ўсиш қутблари ва линияларининг шаклланиш омиллари” мавзусида география фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ҳозирги кунда С.Л.Янчук хўжаликнинг ҳудудий тузилишини тадқиқ қилишнинг назарий-методологик масалалари, жамиятнинг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш муаммолари билан шуғулланмоқда.

Хулоса

Ўзбекистон Миллий университетида иқтисодий ва ижтимоий география фани шаклланиши ва ривожланишининг кискача илмий-тарихий таҳлили университетда ушбу илм соҳасидаги тадқиқотларнинг чуқур илдизлари ва бой анъаналари мавжудлигини кўрсатди. Иқтисодий ва ижтимоий география фани ЎзМУда табиий география ва иқтисод фанлари билан чамбарчас алоқадорликда бажарилган комплекс минтақавий тадқиқотлар доирасида шаклланиб, қишлоқ хўжалик географияси, аҳоли ва шаҳарлар географияси, социал география, жамият ҳудудий ташкил этилишини комплекс тадқиқ этиш каби йўналишларнинг ўзаро боғлиқ равишда шаклланиши ва ривожланишида ифодасини топган узок эволюцион ривожланиш йўлини босиб ўтди. Бундан буён Ўзбекистон Миллий университетида иқтисодий ва ижтимоий география фанининг ривожланиш истиқболлари, энг аввало, университет иқтисодий географ олимлари томонидан регионал, миллий ва глобал даражалардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий, демографик, геосиёсий, экологик муаммоларни замон талаблари даражасида тадқиқ эта олишларига бевосита боғлиқдир.

ЭКОНОМИЧЕСКАЯ И СОЦИАЛЬНАЯ ГЕОГРАФИЯ В НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

Введение

В 2018 году исполнилось 100 лет со дня основания старейшего в Узбекистане высшего учебного заведения – Национального университета Узбекистана. Университет за минувшие годы стал крупным центром исследований во многих сферах науки, в том числе в географии. В стенах Национального университета Узбекистана сложились крупные научные школы по ряду направлений географической науки, в частности, по экономической и социальной географии.

Примечательно, что первый ректор университета профессор Г.Н.Черданцев (с 1956 года – академик АН Узбекистана), будучи по специальности экономистом, имел непосредственное отношение к становлению и развитию экономико-географических исследований в университете и в республике в целом. Ещё в 1922 году им был опубликован научный труд преимущественно экономико-географического содержания «Среднеазиатский экономический район».

